



Хатирчи тумани Тамачи МФЙ ички хўжалик автомобил йўлларини жорий таъмирлаш (Тасмачи-1 кўчалари).

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Хатирчи тумани Тасмачи МФЙ ички хўжалик автомобил йўлларини жорий таъмирлаш (Тасмачи-1 кўчалари).
2	Буюртмачи	Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий вилояти Хатирчи тумани
4	Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Белгиланган махсус техника ёки транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2010-йилдан кам бўлмаслиги керак. Навоий вилоятида оғир табиий шароитда (ёмғир, қор, туман, ва х.к) узлуксиз ишлашга таёр бўлиши керак. Корхона махсус техника ёки транспорт воситаси доимий иш билан таъминлашни кафолатини олмайди. Ишлаб чиқариш заруряти туфайли корхона балансида техникалар етишмай қолганда холларда 1 сутка олдин огохлантирилган холда иш билан таъминланади. Махсус техника ёки транспорт воситасининг объектларга келиб кетиши харажатлари махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг хисобидан қопланади. Махсус техника ёки транспорт воситаси қатнашувчининг балансида бўлиши ва барча техник хужжатлари қонуний бўлиши керак. Махсус техника ёки транспорт воситасининг экспертиза хулосаси бўлиши шарт. Бошқа талаблар шартнома шартларида кўрсатилади. Махсус техника ёки транспорт воситалари руйхати, (Самосваллар 20-30 тн), (Трайлер 10-50 тн), (Каток 8-13 тн), (Экскаватор ковш хажми 0.65 М3), (Асфальто укладчик 1.5-6.5 метр гача), (Автогрейдер) (Водовоз) (Бетумовоз) билан буюртмага асосан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш.</p>
5	Механизмининг техник қарови	Махсус техника ёки транспорт воситаси доимий техник қаров ишлари, капитал таъмирлаш эгаси томонидан бажарилади, техник соз холатда ишга жалб қилинади.
6	Ёқилғи махсулотлари билан таъминлаш	Ёқилғи махсулотлари корхона томонидан амалга оширилган тақдирда бажарилган иш суммасидан қайтариб қолинади. Агар ёқилғи махсулотлари етарли бўлмаган тақдирда Махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ўзида бўлиши керак.
7	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, транспорт воситасининг техник паспорти.
8	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Шартнома асосида бажарилган ишлар буйича илова қилинган Форма-2 да кўрсатилган сумма бўйича тўлаб берилади.
9	Иш тури	Лойиха смета хужжатларида белгиланган вазифаларни бажариш.
10	Ишни бажариш муддати	2022 йил июндан 2022 йил 31 августгача.
11	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт.



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хатирчи -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Хатирчи тумани Тасмачи МФЙ ички хўжалик автомабил йўллариини жорий таъмирлаш (Тасмачи-1 кўчалари).**

1.1. Танлов охирги киймати (505 734 037) сум . Ушбу кийматдан ортиқ киймат қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган ишлар Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйинча голлиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 330 календар кун.

1.4 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Навоий вилояти Хатирчи тумани Парахун МФЙ

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигидан кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бнрига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйинча қуйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда; • Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар руйхати илова

килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш. еки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч қун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ун қунга узайтирилиши қерак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазқур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки қун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги қерак.

7.3. Таклифларни қуриб қикиш ва бақолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва бақолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади